




Уйгур афсоналарига кўра, Ипархон хитой боскинчиларига қарши курашган қахрамон аёл бўлиб, император гаремига тушгач, қанизак бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрган. Ипархон ёки Дилшод Хотун хақидаги афсоналар ҳам уйгурлар, ҳам Хитойда машхур бўлиб, у ерда унга Сянфэй – «хушбўй қанизак» деб лақаб берилган. Улар бир-биридан анча фарқ қилади, лекин умуман олганда, уларнинг моҳияти шундаки, Ипархон нуфузли уйгур оиласидан бўлиб, император гаремига олиб кетилган. Хитой афсоналарига кўра, император унинг ноёб гўзаллиги ва хушбўй хиди учун севиб қолган ва у ватанини соғинмаслиги учун деразаси остига масжид, воҳа ва ҳатто бозор қурдирган. Бундай муносабатни кўриб, Ипархон императорнинг севгисига жавоб қайтарган, дейилади. Уйгур ривоятлари эса анча фожиалироқ. Улардан бири қуйидагича: Ипархон уйгур ҳукмдорлари сулоласидан бўлиб, ўз гўзаллиги билан машхур эди. 1760-йилда хитойликлар Оксу Учтурфон вилоятига бостириб киришганида, уни гаровга олиб, эри тез орада унинг олдига етиб қилишни ваъда қилиб, аёлни Пекинга жўнатишган. Ипархон бўйсунган. У биринчидан, боскинчи қўшинларнинг уйгур ерларини тарқ этишига ҳисса қўишни ўйлаган, иккинчидан эса императорни ўлдиришни ният қилган. Аёл ҳали пойтахтга қелаётган пайтда, унинг эри бостирикка учраб ўлдирилган. Ипархон саройга олиб қилиниб, император ҳузурида пайдо бўлган. Ҳамма унга таъзим қилиб эгилганида, у бундай қилмаган. Хайрон бўлганларга аёл шундай деган: «Биз факат Аллоҳга таъзим қиламиз. Сиз мусулмон эканлигимни унутдингизми?» Ипархон эрининг қилишни қутган, аммо бу содир бўлмаганида, уни алдашганини тушунган. Шу вақтда хитой императори уйгурлар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун унга уйланишга қарор қилган, лекин у рад этган. Ўз шаъни ва поқлигини ҳимоя қилишга қарор қилган аёл, агар унга тегса, ўз жонига қасд қилишни айтган. Афсонанинг бир

вариантига кўра, у шундай қилган. Бошқа версияга кўра, у императорнинг онаси буйруги билан ўлдирилган.

Хитой афсоналарига кўра, Ипархон императорнинг ёнида дафн этилган. Аммо уйгур афсоналарига кўра, унинг жасади Кашкарга олиб келиниб, Аппак Хожа макбарасида дафн этилган. Масжид ва мадрасани ўз ичига олган бу мажмуада Шаркий Туркистоннинг диний ва сиёсий арбоби, авлиё сифатида улугланадиган Афакия тарикатининг асосчиси Аппак Хожа оиласининг беш авлодининг қабрлари жойлашган. Ипархон хақидаги афсоналар унинг қабрини XIX аср охирида бу муқаддас жой билан боғлай бошлаган, ҳозирда эса бу расмий версияга айланган. Баъзи ривоятлар ҳатто уни Аппак Хожанинг набираси деб ҳам атайди.

Ипархон уйгур маданиятида алоҳида ўрин тутди. Халқ хотирасида у озодлик курашчиси ва вафодор рафика сифатида қолган. Унинг исми ва хотираси авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. У уйгур аёлининг рамзига айланган. У хақида китоблар ёзилади, фильмлар ва теледастурлар ҳам ўз ватанида, ҳам бошқа мамлакатларда суратга олинади.

Абу Муслим

(профессор, сиёсий таҳлилчи)